

БОЛАЛАРДА МЕНИНГИТЛАР: ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВ ВА КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ



Исанова Шоира Тулкиновна, Худойбердиев Шерзод Эгамберди ўгли, Мухтарова Азиза Алишеровна Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

МЕНИНГИТЫ У ДЕТЕЙ: СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ПРОБЛЕМЕ И ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ

Исанова Шоира Тулкиновна, Худойбердиев Шерзод Эгамберди ўгли, Мухтарова Азиза Алишеровна Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

MENINGITIS IN CHILDREN: A MODERN APPROACH TO THE PROBLEM AND FEATURES OF THE CLINICAL COURSE

Isanova Shoira Tulkinovna, Khudoyberdiev Sherzod Egamberdi ugli, Mukhtarova Aziza Alisherovna Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. Менингит педиатрик амалиётда бугунга келиб энг оғир ва кенг тарқалган юқумли касалликлардан бири бўлиб қолмоқда, айниқса эрта ёшдаги болаларда жиддий асоратлар ва ўлим хавфи юқорилиги билан характерланади. Болаларда менингитнинг турли шакллари этиологияси, патогенези, клиник кўринишлари ва диагностика мезонлари ҳақидаги замонавий адабиёт маълумотларини тизимлаштириши ва таҳлил қилиши, қолавиensa етакчи илмий маълумотлар базаларидаги (PubMed, Scopus, Web of Science, РИНЦ) болалик давридаги менингит муаммосига бағишланган сўнги 10 йилдаги илмий наишлар натижалари таҳлил натижалари менингит билан оғриган болаларда прогнозларни яхшилаш ва неврологик асоратлар тез-тезлигини камайитириши учун эрта таишис қўйиши ва ўз вақтида адекват даволашни бошлашнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: Менингит, болалар, педиатрия, этиология, клиника, диагностика, асоратлар, даволаш

Abstract. Meningitis remains one of the most severe and widespread infectious diseases in pediatric practice today, characterized by a high risk of developing serious complications and fatal outcomes, especially in young children. The systematization and analysis of modern literature data on the etiology, pathogenesis, clinical manifestations, and diagnostic criteria of various forms of meningitis in children; the results of the analysis of scientific publications from the last 10 years, dedicated to the problem of meningitis in childhood in leading scientific databases (PubMed, Scopus, Web of Science, RSCI), emphasize the importance of early diagnosis and the timely initiation of adequate treatment to improve prognoses and reduce the frequency of neurological complications in children with meningitis.

Keywords: Meningitis, children, pediatrics, literature review, etiology, clinical picture, diagnostics, complications, treatment.

Бугунги кунга келиб болаларда учрайдиган бош миянинг яллиғланиши билан кечувчи менингит касаллиги болалардаги неврологик касалликлар ва ногиронликга олиб келувчи асосий омиллардан булиб, касаликнинг кечиши яшаш жойи, болани ёшига ва йилнинг мавсумига боғлиқ глобал касалликдир [1].

Менингит касаллиги бош мия ва орқа мия пардаларининг яллиғланиши билан кечиши сабабли бола саломатлиги ва ҳаёти учун жиддий хавф туғдиради [2]. Алоҳида хавфни келтирувчи тез ривожланиши ва ҳатто ўз вақтида даволанган-

да ҳам асаб тизимига қайтариб бўлмас зарар етказиши ёки ўлимга олиб келиши мумкин булган тури бу бактериал менингит ҳисобланади.

Менингит эпидемиологияси жаҳоннинг етакчи тадқиқотчилари ва ташкилотлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) ва Роспотребнадзорнинг Марказий илмий-тадқиқот эпидемиология институти томонидан атрофлича ўрганилмоқда.

Глобал маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳар йили тахминан 1,2 миллион киши менингит билан

касалланади [4]. Касаллик яккол регионал хусусиятларга эга.

Сахрои Кабирнинг жанубидаги минтақа менингококк менингитининг энг кенг тарқалган худуди бўлиб, у ерда мунтазам равишда йирик эпидемиялар содир бўлади. Бу географик хусусият ЖССТ ҳисоботларида ва Н.Н. Костюкова ҳамда ҳаммуаллифларнинг ишларида кенг тасвирланган, улар менингококк инфекциясининг дунё бўйлаб тарқалишини таҳлил қилишган.

Менингитнинг асосий кўзғатувчилар: Тўртта асосий бактериал кўзғатувчи (*N. meningitidis*, *S. pneumoniae*, *H. influenzae*, *S. agalactiae*) жаҳон тадқиқотлари диққат марказида бўлиб қолмоқда. "Global Burden of Disease (GBD)" (Касалликларнинг глобал юки) лойиҳаси доирасидаги муаллифлар жамоаларининг ишлари мунтазам равишда *The Lancet Neurology* каби етакчи жаҳон журналларида чоп этилиб, бутун дунё бўйлаб менингитдан ўлим ва ногиронлик ҳолатлари бўйича долзарб статистикани тақдим этмоқда.

Рогожкина А.В., Доскалиева А.С. ва ҳаммуаллифлар ўз нашрларида қайд этишларича, менингококк инфекцияси генерализацияланган шакллари юқори хавфи туфайли долзарб глобал муаммо бўлиб қолмоқда. Россияда эпидемиологик вазият ҳам олимларнинг диққат марказида бўлиб, улар касалланиш тузилмасининг ўзгаришини, жумладан, вакцинация профилактикаси дастурлари таъсиридаги ўзгаришларни қайд этишмоқда [5].

Россияда Королева И.С., Королева М.А., Грицай М.И. ва ҳаммуаллифлар менингококк инфекцияси ва йирингли бактериал менингитлар бўйича эпидемиологик назорат маълумотларини фаол эълон қилувчи етакчи россиялик экспертлар ҳисобланади. Ўз ишларида улар турли минтақалар ва ёш гуруҳларида касалланиш динамикасини, шунингдек, вакцинациянинг самарадорлигини таҳлил қиладилар.

Дружинина Т.А., Попова О.В.: Бу муаллифлар гемофил таёқчанинг В типи ва пневмококк инфекцияларига қарши вакцинация жорий этилган шароитларда йирингли бактериал менингитлар бўйича эпидемиологик назорат натижаларини ўрганишди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда менингит бўйича эпидемиологик вазият йирик эпидемик кўтарилишларсиз, барқарор ва назорат остида дефакто ҳисобланмоқда. Гарчи мутахассислар менингит касаллигини келтириб чиқарувчи инфекциянинг даврийлигини қайд этишсада, касалланиш спорадик (якка ҳолатларда) хусусиятга эга,

Менингит касаллигининг ўткир даври муваффақиятли ўтган тақдирда ҳам, тирик қолган болаларнинг 30–80 %да турли даражадаги оғирликдаги неврологик, когнитив ва руҳий бузилишлар шаклланади, бу эса беморлар ва уларнинг

оилалари ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиради. Узоқ муддатли асоратлар спектрига эпилептик синдромлар, ҳаракат тизимидаги бузилишлари, юқори руҳий функцияларнинг бузилиши, хулқ-атвор ва эмоционал бузилишлар, психомотор ривожланишнинг кечикишлари киради [6].

Ўзбекистонда менингитнинг узига хос эпидемиологик асосий жиҳатларидан аввалон бор менингитнинг эпидемияларнинг йўқлиги: Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги менингит эпидемиялари ҳақидаги миш-мишларни бир неча бор инкор этиб, вазият назорат остида эканлигини таъкидлаган. Касалланиш ҳолатлари қайд этилади, лекин кенг тарқалганлик хусусиятига эга эмас. Колавероса, менингитнинг кечиши циклик: мутахассислар менингококк инфекциясининг табиий эпидемиологик цикллари мавжудлигини кўрсатишмоқда. Ҳар 15-30 йилда касалланиш кўтарилиб, эпидемик хусусиятга эга бўлиши мумкин, лекин ҳозирги вазият тинч.

Менингит касаллигига учраши мумкин бўлган хавф гуруҳи бу болалардир. Бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам асосий хавф гуруҳини болалар ташкил этади. Кўпгина тадқиқотлар айнан болалар касалликларига бағишланган. Масалан, Тошкентда ўтказилган тадқиқотларда 1–6 ёшли ва 7–14 ёшли гуруҳлар пневмококк менингити билан касалланишнинг энг юқори хавфи тоифасига киритилган.

Менингит касаллигини этиологик, яъни келтириб чиқарувчисининг ўзгариши: Асосий кўзғатувчилар (масалан, В туридаги гемофил таёқчани ва пневмококк) га қарши оммавий эмлаш дастурлари жорий этилгани туфайли, менингит кўзғатувчиларининг тузилмаси аста-секин ўзгармоқда, бу эса доимий эпидемиологик назоратни талаб қилади.

Менингит кўзғатувчиларнинг серогуруҳлари: Тарихий маълумотлар (Хўжаев Ш.Х., Соколова И.А. ва бошқ.) турли даврларда менингококкларнинг турли серогуруҳлари (А, В, С) устунлик қилганини кўрсатади, бу ҳам эпидемиологик куренишига таъсир қилади [7].

Ўзбекистонда менингитларнинг эпидемиологик ва клиник жиҳатлари маҳаллий олимлар томонидан фаол ўрганилмоқда:

Муртазаева З.Б., Ахмедова Д.Р., Абдухалилова Г.К. ва ҳаммуаллифлар Тошкентда менингококк инфекциясига чалинган беморларнинг клиник-эпидемиологик тавсифини ўтказганлар.

Умуман олганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда менингит бўйича назорат қилинадиган вазият кузатишмоқда, бу соғлиқни сақлаш тизими иши ва вакцинация дастурлари натижасидир, аммо касаллик айниқса болалар орасида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Болалардаги ўткир қизамиқ менингоэнцефалитлари даври учун неврологик кўринишларнинг политопиклиги хосдир. Касалликнинг ўткир даврда марказий асаб тизимининг морфофункционал инструментал текширувлари турли характерга эга булиб, патологик ўзгаришлар турли даражада намоён булиши болалардаги қизамиқ менингоэнцефалитларида церебрал дисфункциянинг эрта диагностик аҳамиятга эга белгиларини топиш имконини беради [1].

Джурабекова А.Т ва унинг ҳаммуалифлари таъкидлашича, болаларда менингит ва энцефалитлар когнитив, ҳаракат бузилишлари, нутк етишмовчиликлари ва эмоционал – хулкий бузилишларни уз ичига олган тургун неврологик асоратлар колдиради[3]. Асосан, болаларда асаб тизимининг тугма нуксонлари ва перинатал патологиялар аниқланган булиб, бу ҳолат касалликнинг кечилишини ёмонлаштиради ва касаллик асоратларини оғирлаштиради. Ўтказилган менингоэнцефалитдан кейинги ҳаракат бузилишлари доимий парезлар, мушак тонусининг ошиши ва координация бузилишлари шаклида намоён бўлади, бу миёнининг қолдиқ ўчоқли зарарланишларни акс эттиради ва узок муддатли тиклаш даволаниши зарурлигидан далолат беради.

Болаларда менингитнинг клиник манзараси ёши ва этиологиясига қараб ўзгариб туради. Эрта ёшдаги болаларда классик менингеал белгилар кўпинча кузатилмайди, касаллик носпецифик симптомлар: иситма, кучли безовталиқ ёки, аксинча, апатия, қайт қилиш, лиқилдоқнинг бўртиб чиқиши ва тиришишлар билан намоён бўлади [10]. Катта ёшдаги болаларда симптоматика "катталар" триадасига яқинлашади: иситма, бош оғриғи ва энса мушакларининг ригидлиги, гарчи тўлиқ триада ҳар доим ҳам учрамаса-да.

Орка миё суюқлиги (ОМС) таҳлили менингитларни ташхислаш ва дифференциал ташхислашнинг асосий усули ҳисобланади.

Бактериал (йирингли) менингит 1 мкл да минглаб хужайраларга етадиган яққол плеоцитоз, нейтрофилларнинг устунлиги, қондаги даражага нисбатан юқори оксил ва паст глюкоза даражаси билан характерланади.

Вирусли менингит одатда лимфоцитар цитоз (1000 кл/мкл гача), нормал ёки бироз ошган оксил даражаси ва нормал глюкоза миқдори билан намоён бўлади.

Касалликнинг кечилиши бемор орка миё суюқлигининг таркиби ва касаллик кечилиши ўрта-сидаги тўғридан-тўғри ўзаро боғлиқликдир. Ликвордаги ўзгаришлар акасалликнинг клиник кўринишлар билан бевосита боғлиқ булиб, касалликнинг прогнозлаш имконини беради. Касаллик кечилишида ликвор таркибидаги яллиғланиш интенсивлиги ахамиятли булиб, касалликнинг ўткир даврда ликвордаги цитоз- хужайралар сони ва

оксил даражаси қанчалик юқори бўлса, қоида тариқасида, касаллик шунчалик оғир кечади ва оғир асоратлар эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Касалликнинг кўзгатувчисини тури ва касалликнинг прогнозини боғлиқлиги қуйидагича ифодаланади: бактериал (йирингли) менингитлар яққол нейтрофил плеоцитоз (1000 кл/мкл дан ортиқ) ва паст глюкоза даражаси билан вирусли менингитларга қараганда кўпинча оғирроқ кечади ва кўпроқ асоратларга олиб келади.

Эрта ёшдаги болаларда гемофил менингит кўпинча энг юқори ликворологик кўрсаткичлар билан кечади, бу иммун жавобнинг кескинлиги ва кечиш оғирлигидан далолат беради.

Вильниц А.А., Скрипченко Н.В. ва ҳаммуалифлар: 2012–2021 йиллар даврида болаларда менингококк инфекцияси бўйича кўп марказли ретроспектив тадқиқотлар ўтказиб, диагностика ва профилактиканинг асосий яқунлари ва муаммоларини аниқлашди.

Платонов А.Е., Миронов К.О.: Илгариги ишларида Россия ва дунёда менингококк инфекцияси эпидемиологиясини ҳозирги босқичда кўриб чиқишган, ўз вақтида вакцинация қилишнинг муҳимлигини таъкидлашган.

Менингит касаллигининг кечилишида айниқса марказий асаб тизимининг зарарланиш даражаси ликворда оксил даражасининг сезиларли ошиши (>1 г/л) ва глюкозанинг кескин пасайиши миё пардалари ва миё моддасининг чуқурроқ шикастланишини кўрсатади, бу бош миёнининг ўчоқли шикастланишлари (парезлар, фалажлар, эпилепсия) ривожланиш хавфи юқорилиги билан боғлиқдир. Касалликнинг прогнозини олибборилаётган терапия фонидида ликвор курсаткичларининг секин меъёрлашиши касалликнинг ёмон сифатли курсаткичи ҳисобланиб, касалликнинг асоратланган кечилиши, даволаш самарадорлигининг пастлиги ёки жараённинг супункали шаклга утиш хавфи борлигини тасдиқлайди.

Скрипченко Н.В. ва унинг ҳаммуалифлари (Санк - Петербург) нейроинфекцияларни урганишда катта мактабга эга булиб, бактериал ва вирусли менингитларнинг неврологик асоратларини эрта ташхисланиши ва даволанишига қаратилган бир қанча илмий ишлар қилинган.

Менингит касаллигида ликвор таркибини таҳлил қилиш нафақат диагностика воситаси, балки касалликнинг кечилишини башорат қилишнинг асосий элементи ҳамдир, бу даволашни ўз вақтида тўғрилаш ва болалардаги мумкин бўлган неврологик оқибатларнинг олдини олиш имконини беради.

Шомансурова Ш.Ш. эпидемиялараро даврда менингококк инфекциясининг эпидемиологик ва иммунологик хусусиятларини ўрганган.

Ш.Т. Ниязов ва унинг ҳаммуалифлари ўз ишларида ўткир даври бошланишига 6 ойдан 1

йилгача бўлган вақт ўтган иккиламчи энцефалит окибатлари бўлган болаларни текшириш таҳлилини тақдим этдилар [7]. Неврологик бузилишлар даражаси ўрганилди, нейровизуализацион таққослаш ўтказилди ва ўз вақтида нейрометаболик терапияни ўтказиш учун ушбу кўрсаткичларга қараб прогноз қилинди. Барча болалар стандарт текширувдан (анамнезни ҳисобга олган ҳолда), клиник-неврологик кўриқдан, нейровизуализацион (МРТ, КТ) текширувдан ўтишди. Электромиографияда соматосенсор чақирилган потенциал ҳам келишда, ҳам чиқишда аниқланди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, фақат клиник-неврологик бузилишлар бўйича прогноз 66,2% ни, кўшимча нейровизуализацион баҳолаш уни 79% гача ошириш имконини беради, менингеал-соматосенсор кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда эса яна 12% гача ошади, бу ўз вақтида нейрометаболик терапияни ўтказиш учун жуда муҳимдир. Ўз навбатида, болаларда энцефалит натижаси прогнози резидуал неврологик кўринишларни ўз вақтида камайтириш имконини беради.

Касалликнинг кечишида бош мия нервларининг шикастланиши, парезлар, фалажлар, эпилепсия, когнитив бузилишлар ва гидроцефалия ўтказилган менингитнинг энг кенг тарқалган кечки асоратларга киради. Уларнинг оғирлиги кўп жиҳатдан бош мия тўқимасининг дастлабки яллиғланиш шикастланиши даражаси билан белгиланади, бу орқа мия суюқлиги таҳлилида акс этади.

Шундай қилиб, менингит касаллигида орқа мия суюқлигининг цитологик ўзгаришларини урганиш касалликнинг клиник-неврологик кечиши билан бир қаторда касалликнинг ифодаланиш даражасини ва менингит ўтказган болаларда доимий бузилишлар ривожланиш эҳтимолини башорат қилиш имконини бериб, менингит касаллигини айниқса болаларда узига хос кечиш хусусиятини урганиш, касалликни эрта ташхислаш, колаверса касалликнинг клиник кечишини ликвор таркибидаги цитологик ўзгаришлар билан таққослаб, унинг окибатларини башоратлаш янада чуқурроқ урганишга муҳтожгини яна бир бор тасдиқлайди.

Адабиётлар:

1. Ризаев Ж. А., Абдуллаев А. С., Кубаев А. С. Перспективы лечения невритов в комплексе с этилметилгидроксипиридина сукцинат и комбилипен //Современная медицина: новые подходы и актуальные исследования. – 2022. – С. 20-24.
2. Ризаев Ж. А., Саидов М. А., Хасанжанова Ф. О. Статистический анализ информированности кардиологических и кардиохирургических пациентов о высокотехнологичной медицинской помощи в Самаркандской области //Вестник науки. – 2023. – Т. 1. – №. 11 (68). – С. 992-1006.

3. Ризаев Ж. А., Нурмаматова К. Ч. Некоторые факты развития стоматологической службы в Республике Узбекистан //Stomatologiya. – 2018. – №. 2. – С. 5-8.
4. Ризаев Ж. А. и др. Психоэмоциональное поведение подростков в различных стоматологических процедурах //Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 375-383.
5. Ризаев Ж. А., Муслимов О. К. Некоторые аспекты патогенеза некариозных заболеваний и его взаимосвязь с гормональными нарушениями //Stomatologiya. – 2017. – №. 3. – С. 95-98.
6. Ризаев Ж. А., Гадаев А. Г., Абдуллаев Д. Ш. Параллели патогенеза заболеваний пародонта и хронической сердечной недостаточности //Dental Forum. – Общество с ограниченной ответственностью "Форум стоматологии", 2017. – №. 4. – С. 70-71.
7. Ризаев Ж. А. и др. Оценка функциональных изменений, формирующихся в зубочелюстной системе боксеров //Вісник проблем біології і медицини. – 2019. – №. 4 (1). – С. 270-274.
8. Ризаев Ж. А., Саидов М. А., Хасанжанова Ф. О. Современные тенденции распространенности и исхода сердечно-сосудистых заболеваний среди населения Республики Узбекистан //Journal of cardiorespiratory research. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 18-23.
9. Berdieva Kh.U. Kliniko-nevrologicheskie osobennosti korevogo meningoentsefalita u detey. Medicina. 26.04.2017.
- 10.Bohmwald K., Andrade C.A., Gálvez N.M.S., Mora V.P., Muñoz J.T., Kalergis A.M. The causes and long-term consequences of viral encephalitis. Frontiers in Cellular Neuroscience. 2021; 15:755875. doi:10.3389/fncel.2021.755875
- 11.Djurabekova A.T., Abdullaeva N.N., Isanova Sh.T. Sleep disorders, metabolic syndrome, and cognitive abilities in adolescents: clinical and pathophysiological relationships. International Journal of Cognitive Neuroscience and Psychology. 2025;3(5). ISSN: 2995-536X.
- 12.Djurabekova A.T., Halimov F.Z., Abdullaeva N.N. Kompleksnaya otsenka posledstviy meningoentsefalitov i entsefalitov razlichnoy etiologii u detey. Zhurnal nevrologii i neyrokhirurgicheskikh issledovaniy. 2024;6(6/1). doi:10.5281/zenodo.17602590
- 13.Gaibiev A.A., Djurabekova A.T., Isanova Sh.T. Clinical and laboratory changes in diabetic neuropathy in adolescents. Web of Scientist: International Scientific Research Journal. 2022;4(3):743–749.
- 14.Gulzhakhon Kh.U., Isanova Sh.T., Mukhtarova M.A. Klinicheskaya simptomatika neyroinfektsiy u detey. Zhurnal nevrologii i neyrokhirurgicheskikh issledovaniy. 2022;3(6).
- 15.Isanova Sh.T., Abdullaeva N.N., Hamedova F.S. Features of paraclinical changes in obesity in adoles-

cents. International Engineering Journal for Research & Development. 2020;5.

16. Isanova Sh.T., Abdullaeva N.N., Djurabekova A.T., Mukhtarova M.A., Davranov E.A. Nutritive status and activity of the cerebral cortex in children with excess body weight. *Obrazovanie i nauka v XXI veke*. 2021;12(2):1215–1220.

17. Isanova Sh.T., Mukhtarova A.A. Metabolik o'zgarishlar va uyqusizliklar o'rtasidagi bog'liqlik: adabiyotlar sharhi. *Vestnik fundamentalnoy i klinicheskoy meditsiny*. 2025;3(17).

18. Isanova Sh.T., Mukhtarova M.A., Utaganova G.Kh., Tursunova M.T. Features of the clinical course of neurological and vegetative changes in adolescents with metabolic syndrome. *Problemy biologii i meditsiny*. 2022;(4).

19. Isanova Sh.T., Mukhtarova M.A. Vliyanie sakharnogo diabeta na risk i techenie insulta: obzor sovremennykh dannyx. *Tsentrarno-Aziatskiy endokrinologicheskii zhurnal*. 2024;6(1).

20. Isanova Sh.T., Ollanova Sh.S., Mukhtarova A.A. Age-specific clinical and neurological manifestations of perinatal damage to the nervous system in children. *Science and Innovation International Scientific Journal*. 2025;4(5).

21. Isanova Sh.T., Ollanova Sh.S., Mukhtarova A.A. Clinical and neurological symptoms of perinatal nervous system damage in infants during the first year of life. *Science and Innovation International Scientific Journal*. 2025;4(3).

22. Lobzin Yu.V., Skripchenko N.V. Deti i infektsii nervnoy sistemy: prichinno-sledstvennye svyazi. *Pediatr*. 2010;1(2). ISSN 2079-7850.

23. Mukhtarova M.A., Isanova Sh.T., Utaganova G.Kh., Tursunova M.T. Features of clinical neurological and vegetative changes in adolescents with metabolic syndrome. *Problemy biologii i meditsiny*. 2022;(4).

24. Niyazov Sh.T., Djurabekova A.T., Shomurodova D.S. Kompleksnyy prognoz posledstviy vtorichnogo entsefalita u detey. *Vestnik Natsionalnoy akademii nauk Belarusi. Seriya meditsinskikh nauk*. 2021;18(1):89–93. doi:10.29235/1814-6023-2021-18-1-89-93

25. Niyazov Sh.T., Djurabekova A.T., Isanova Sh.T. Neyroinfektsiya natijasida bolalarda meningoentsefalitning klinik va nevrologik sindromlari. *Science and Education*. 2021.

26. Ollanova S.S., Abdullaeva N.N., Isanova Sh.T. Clinical and neurological manifestations of pain syn-

drome in Parkinson's disease. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*. 2022.

27. Skripchenko N.V., Ivanova M.V., Ivanova G.P., Komantsev V.N., Vilnits A.A., Gorelik E.Yu., Pulman N.F., Karasev V.V., Morgatskiy N.V., Piskareva E.A., Shevchenko K.O., Golyakov D.A. Aktualnye problemy infektsionnykh zabolevaniy nervnoy sistemy u detey. *Pediatrics*. 2007;86(1).

28. Skripchenko N.V., Ivanova M.V., Vilnits A.A., Skripchenko E.Yu. Neyroinfektsii u detey: tendentsii i perspektivy. *Rossiyskiy vestnik perinatologii i pediatrii*. 2016;61(4):9–22. doi:10.21508/1027-4065-2016-61-4-9-22

29. Shomurodova D.S., Djurabekova A.T., Isanova Sh.T. Keksa yoshlarda qalqonsimon bez funktsiyasi buzilishining klinik va nevrologik aspektlari. *Journal of Modern Medicine*. 2024;(4).

30. Tulkinovna Sh.I., Nurmamatovna A.N., Takhirovna D.A., Alisherovna M.M., Salimovna S.D. Modern views of obesity comorbidity. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*. 2020;2(8).

31. Utaganova G.Kh., Isanova Sh.T. General classification of pain syndrome in infants. *Problemy biologii i meditsiny*. 2022;(4).

МЕНИНГИТЫ У ДЕТЕЙ: СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ПРОБЛЕМЕ И ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ

Исанова Ш.Т., Худойбердиев Ш.Э., Мухтарова А.А.

Резюме. Менингит на сегодняшний день остается одним из наиболее тяжелых и распространенных инфекционных заболеваний в педиатрической практике, характеризующимся высоким риском развития серьезных осложнений и летальных исходов, особенно у детей раннего возраста. Систематизация и анализ современных литературных данных об этиологии, патогенезе, клинических проявлениях и диагностических критериях различных форм менингита у детей; результаты анализа научных публикаций за последние 10 лет, посвященных проблеме менингитов в детском возрасте в ведущих научных базах данных (PubMed, Scopus, Web of Science, РИНЦ), подчеркивают важность ранней диагностики и своевременного начала адекватного лечения для улучшения прогнозов и снижения частоты неврологических осложнений у детей с менингитом.

Ключевые слова: Менингит, дети, педиатрия, этиология, клиника, диагностика, осложнения, лечение.